# СУВ — ОЛТИНДАН ҚИММАТ!







## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ДИЁРИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Сиз хурматли ва муҳтарам юртбошилар — Нукусда, Орол денгизи ҳавзаси давлатлари барқарор ривожланиши бўйича БМТ анжуманида имзолайдиган ҳужжатлар катта ва истиқболи порлоқ минтақаларимиз учун тарихий илҳомбахш йўлланма бўлиб қолади.




Қадимий диёр — Орол денгизи ҳавзаси минтақасининг меҳнатсевар халқлари, Ўзбекистон мелиораторлари ва сув хўжаликлари жамоалари бу юксак доирадаги масъулиятли ва мазмунли учрашув қатнашчиларининг ишига каттадан-катта муваффақиятлар тилайдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги.**

## ҲИНДИСТОН САВДО КЎРГАЗМАСИ

**ТОШКЕНТ, "ЎЗЭКСПОМАРКАЗ", 5 - ПАВИЛЬОН**
**1995 йил 14 - 20 сентябрь**



**Кўргазмага қўйиладиган маҳсулотлар:**
**Техник маҳсулотлар:** машина ва асбоб-ускуналар, центрифугалли насослар, саноат клапанлари, зич ёпиладиган компрессорлар, тўқимачилик асбоб-ускуналари, кабель маҳсулотлари.
**Алоқа асбоб-ускуналари.**
**Автомобиллар:** юк машиналари, джиплар, енгил автомобиллар, уларнинг таркибий ва эҳтиёт қисмлари.
**Госпиталь асбоб-ускуналари.**
**Дори-дармонлар, фармацевтика ва химикатлар:** кир ювиш порошоклари, пардоз-андоз буюмлари, дори-дармонлар ва ветеринар препаратлари.
**Тўқимачилик маҳсулотлари:** ип, ип ва ипак газламалар, тайёр кийимлар.
**Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлари:** чой, кофе, гуруч, спиртли ичимликлар, пиво ва консервалар.
**Чарм ва чарм маҳсулотлари:** кийимлар, пойабзал ҳамда йўлда ишлатиладиган маҳсулотлар.
**Халқ истеъмоли моллари:** электроника, маиший асбоблар, пластмасса маҳсулотлари, канцелярия буюмлари.

**Ташкилотчилар:**

Ҳиндистон элчихонаси: **Тошкент, А. Толстой кўчаси, 3-уй.**
ИНДИЯ ТРЭД ПРОМОШЕН ОРГАНИЗЕЙШЕН.
**Прагати Бхаван, Прагати Майдан, Нью Дели — 110001, ИНДИЯ.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги "Ўзэкспомарказ" республика савдо-кўргазма маркази:
**Тошкент, Амир Темур кўчаси, 107-уй.**

Кўргазманинг иш тартиби:

**ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН**
ҳар куни, соат $10^{00}$ дан - $14.^{00}$ гача

**ТАШРИФ БУЮРУВЧИЛАР УЧУН**
ҳар куни, соат $14.^{00}$ дан - $18.^{00}$ гача
шанба ва якшанба кунлари соат $10.^{00}$ дан - $18.^{00}$ гача.

ТАШКИЛОТ
Тошкентдаги омборхонадан пул ўтказиш йўли билан Германияда ишлаб чиқарилган энг ишончли
*ОПТИМА*
*электрон-ёзув машинкаларини*
СОТАДИ



OPTIMA®
GERMANY

- **Русча, ўзбекча ва лотинча шрифт**
- **Бўяш ва тўғрилаш ленталари**
- **Сервис хизмати ва таъмирлаш**
- **Кафолати — бир йил**

*Телефон: (3712) 62-15-48*
*Телефон/факс: (3712) 62-23-34.*

*Спорт*

### ТОШКЕНТДА ЯНА ХАЛҚАРО МУСОБАҚА

**• Юртимизда яна бир йирик халқаро мусобақага ҳозирлик кўрилмоқда.**

Куни кеча республика давлат спорт қўмитасида ўтказилган матбуот конференциясида шу ҳақда сўз борди. Йиғилишни спорт қўмитасининг раиси ўринбосари К.Юсупов бошқарди. Аввал Марказий Осиё ўйинлари ўзига хос сарҳисоб қилинди. Мухбирларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Шундан кейин республика бокс уюшмасининг бош котиби Алишер Қодиров Тошкентда 1-8 октябрь кунлари ўтказиладиган Осиё бокс чемпионатига тайёргарлик ҳақида сўзлади. Мусобақалар «Алпомиш» спорт саройида ташкил этилади. Тошкентга 18 мамлакат, улар орасида Хитой, Жанубий Корея, Малайзия, Эрон каби давлатлар бўлиб 200 га яқин боксчининг келиши кутилмоқда. Осиё чемпионатининг ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтиши учун пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

**КВАНТ — ГЛОБАЛ —**

*янги имкониятлардаги авиасервис*

**Тошкентда МДҲнинг ҳамма шаҳарлари, Россия авиакомпаниясининг барча рейсларига авиачипталарни сотиш кассалари очилди.**




**КВАНТ — ГЛОБАЛ —**
***Домодедово бирлашмасининг ваколатхонаси ва Россия ҳаво йўллари бош агентлиги.***

Тел: 33-29-49.

*Аломат гаплар*

### АКУЛА ГРИППГА ҚАРШИ

Куз-қиш ойларида авж оладиган юқумли грипп хасталигининг даъвоси топилгандай бўлиб турибди. Олимлар бунинг учун ҳайвонлар, хусусан, акула, қурбақа, қуён, чўчқалардан фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Америкалик олим Заслофнинг тадқиқотига қараганда, наҳанг балиқ-акула ёрдамида грипп касаллигининг юқумли хусусиятларини бартараф этиши мумкин экан. Бунинг учун акула қорнида эндигина пайдо бўлаётган болачалардан фойдаланилади. Маълум бўлишича, дунёга келаётган акулачалар ҳар қандай юқумли касалликка бардошли бўлар экан. Боиси, уларнинг танасида скаламин деган модда бўлиб, олимлар бу моддани сунъий йўл билан кашф этишни ҳам йўли бор дейишмоқда.

Шунингдек, экватор ҳудудларидаги қалин ўрмонзорларда юрувчи қурбақанинг хосияти ҳам ўрганилди. Бундай қурбақадан энг самарали оғриқ қолдирувчи омил тайёрлаш мумкин экан. Амазонка дарёси соҳилларида истиқомат қилувчи қадимий ҳиндулар азалдан бу қурбақа оғусидан ўз ўқ ёйларининг учига суркашда фойдаланиб келишган.

### ЖИГАРНИНГ ЯНГИЧА ДАВОСИ

Маълумки, жигар инсон танасининг муҳим аъзоси бўлиб, саломатликни таъминлашда алоҳида ўрин тутади. Зеро, одамлар кўпинча жигар қуриши дардига йўлиқиб турадилар. Новосибирск тиббиёт институтининг жарроҳлик кафедраси мудири Георгий Миш жаҳонда биринчи бўлиб ана шундай хасталикни даволашнинг ноёб усулини топди.

Муолажа жуда мураккаб эмас, жарроҳлик аралашуви бор демаса ҳам бўлади. Олим вена қон томирига нафис найча ўрнатиш, кейин ана шу найча орқали сафрони сўриб олишни йўлга қўйди. Сўнг сафро сорбент аралашмаси орқали яна ўрнига қуйилади. Шу тариқа сафро тозаланиб инсон танаси хасталикдан фориғ бўла бошлайди ва унда касалликка қарши курашувчи омил кучга киради. Орадан 25-30 кундан кейин бемор деярли оёққа туради. Муҳими, бундай беморни касалхонага ётқазишда унинг жигарида бир неча соғлом ҳужайралар қолган бўлиши зарур. Хуллас жигар хасталигини даволашда қўлланилаётган бу усул 70 фоиз самара бераётгани исботланди.

